

ДАХЛДОРЛИК ТҮЙГУСИННИНГ ДАРАЖАЛАРИГА ОИД АЙРИМ  
МУЛОХАЗАЛАР

Душаев Акбаржон Жаникулович

Гулистан давлат университети

“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Мазкур мақолада дахлдорлик түйгусининг маънавий аҳлоқий жиҳатлари билан бирга салбий кўринишлари ҳамда унинг суст, ўрта, юқори даражаларинингамалий наъмунуларига доир мулҳазалар юритилган.

**Калит сўзлар:** дахлдорлик түйгуси, даражаси, мағкура, миллат, эътиқод, түйгу, маънавий қиёфа, аҳлоқий меъёр.

**Аннотация:** В данной статье приведены размышления о негативных проявлениях чувства принадлежности, а также духовно-нравственных аспектах, а также практические примеры его низкого, среднего и высокого уровня.

**Ключевые слова:** чувство принадлежности, уровень, идеология, нация, вера, чувство, духовный образ, моральный стандарт.

**Annotation:** This article provides reflections on the negative manifestations of a sense of belonging, as well as spiritual and moral aspects, and practical examples of its low, medium and high level.

**Key words:** sense of belonging, level, ideology, nation, faith, feeling, spiritual image, moral standard.

Ҳар бир инсонда миллати, ҳалқи, Ватани, имони, эътиқодига нисбатан дахлдорлик түйгуси бўлиши учун, аввало, ўша инсонда миллий ўзлик бўлиши лозим. Миллий ўзлик бўлган тақдирда жамият ҳаётидаги фикрлар, ғоялар, қарашлар ва назарияларнинг инсонпарварлик жиҳатлари ортиб бораверади. Бунда ўзликни англашнинг илк куртаклари қандай дунёга келади? Аввало, маълум бир инсон тафаккурида муайян фикр туғилади, фикр кенгайиб, чуқурлашиб, илдиз отади. Натижада у энди оддий фикр эмас. Ўзининг таъсир доирасига эга, ижтимоий онг ва ижтимоий муҳитга кириб борувчи тўлқинлари мавжуд, ғоявий-мағкуравий концептуал асос бўлади. Сўнг ижтимоийлашган фикрнинг бу даражаси жамиятни бирлаштиради. Жамиятни бирлаштиришга қодир бўлган бундай концептуал асос “қудратли ғоя”<sup>1</sup> дир. Энди эса бирлашган куч билан яқдил, ягона мақсад сари ҳаракат қилувчи, ўз мағкурасини амалга оширишга киришган миллат, ҳалқнинг тараққиёт сари одимлаши интенсив тус олади. Бирлашган куч, яъни аъзоларининг ҳар бири, хаттоки, ҳар бир индивид, ёинки, ҳар бир алоҳида олинган турли даражадаги элементар қобилият ва истеъдод эгаси бўлган вакили ҳам модомики, ўша бирлашган кучга тааллуқли, ўз миллат ва ҳалқининг ривожланиши учун иштирок этмоқда экан,

<sup>1</sup> Мирзиёев Шавкат. Олий мажлисга мурожаатномаси. – Т.: 28.12.2018 й.

демак, у дахлдорлик түйгүси билан қуролланган, маңнавий қиёфага эга бўлган шахсdir. Билмоқ керакки, жаҳон тарихида бирор-бир цивилизацион чўққига кўтарилиган таълимотлар (ҳоҳ Будда, Брахманизм, ҳоҳ Конфуцийлик, ҳоҳ Зардўштийлик, ҳоҳ Ислом, ҳоҳ Синтоизм, ҳоҳ Юнон фалсафий мактаблари, Рим мафкураси), ёки сиёсий мазмун-моҳиятга эга бўлган ҳаракатлар (Македониялик Александр, Юлий Цезар, Чингизхон, Амир Темур, Наполеон Бонапарт) бўладими, барчасининг улкан мавқега эришуvida ўзларининг мақсад ва мафкураларига нисбатан дахлдорлик түйгүси муҳим ўрин тутган. Агар уларни режалаштирган ва амалга оширган улкан фаолиятларига нисбатан “албатта, ушбу мақсад менинг ҳаётим мазмуни, мен уни рўёбга чиқаришим шарт”, - деган қатъий дахлдорлик кечинмалари чулғаб олмаганды, эҳтимол бу қадар юқори поғонага кўтарила олмасди.

Шу нуқтада баъзан нотўғри қарашиб, гипотеза, назариялар (Нацизм, Фашизм, Расизм, Шовинизм, Миссионерлик, Прозелитизм, Экстремизм, Фундаментализм)га эргашиб, оқибатда ижтимоий тузумнинг таназзулига олиб келган дахлдорлик түйгусининг салбий кўринишларини ҳам кузатиш мумкин. Даҳлдорлик түйгусининг салбий кўринишлари билан унинг, яъни даҳлдорлик түйгусининг сустлиги ўртасидаги тафовутни фарқлаш лозим.

Қачонки, бошқарув тизимидағи муҳит бепарволик, ўзибўларчилик, бошбошдоқлик қабилида иш тутиб, маңнавий таназзулга юз тутса, ахлоқий замин ночор бўлса ёки унга дарз етса, жамият аксар қисмининг амалий хатти ҳаракатлари тубанлашиб боради ҳамда даҳлдорлик түйгуси сусаяди.

Заҳматкаш, меҳнаткаш, ҳокисор халқимиз ҳаёт учун базўр курашаётган бир даврда бошлиқ ва раҳбарлар кибру нафсга берилиб тубанлашган эди. Пётр I черков қўнгироқларини эритиб, тўп – замбарак қуяётган бир вақтда, эсланг – бизда хонлар нима билан машғул эдилар? ...хотин устига хотин олаётган эди. Чунки уларда даҳлдорлик түйгуси, маңнавий қиёфасини белгиловчилик моҳият ва мазмун касб этмаган, маңнавият билан суғорилмаган.

Эй ўлкаси обод, мулкига мағур,  
Мулкинг бақоси йўқ, нега ётибсан?  
Эй иқболи бедор, давлатга масрур,  
Давлатда вафо йўқ, нега ётибсан?<sup>2</sup>

Даҳлдорлик түйгуси маңнавият билан уйғунлашар экан, улар ҳамкорлиқда ахлоқий замин устига қурилади.

“Инсон зуволаси шайтоний, ҳайвоний ва малоконий хислатлардан иборат қорилган хамирдан узилгандир”<sup>3</sup>. Шу боис у хато қилишга ва яхшиликлардан чекинишга мойил бўлади.

Инсон, Яратган инъом этган ҳаётини (“Бешикдан то қабргача илм изла” (Ҳадис), “Ёмон ишлардан ўзини эҳтиёт қилиб юрганларнигина билимдон дейиш мумкин”

<sup>2</sup> Маҳтумкули. Сайланма. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б. 63.

<sup>3</sup> Ахмад Дониш. Наводир ул-вакое. – Т.: 1964. – Б. 136.

(Форобий), ақл инсонга берилган энг буюк неъматлардан бири, у тўғри билан хатони англатиш, ажрата олиш учун берилган, дунё ва охират саодатига эришиш учун энг аввал ақлни ишлатиш лозимлигини идрок этиб) эзгу асос устига қуриб, маърифат зиёсида тоблаб, маънавий қиёфа жиҳатидан поклаган қайда-ю, бу умрни бехуда исроф ботқоғига ғарқ этган қайда:

Томчи сув дарёда йўқ бўлиб кетди,  
Ерга чанг тушди-ю қўмилиб кетди.  
Дунёга келишинг, кетишинг нима?  
Бир чивин туғилди, ўлди-ю кетди<sup>4</sup>.

Ахлоқий меъёрларга йўғрилган ҳаёт кун келиб, албатта, хайру баракасини (ворисийлик - солих фарзандлар тимсолида, Акмешахс мақомида, баҳтли ва маънили ҳаёт кўламида), ўз мевасини бергани сингари, ахлоқий - маънавий меъёрларга зид равиша ташкил этилиб, пасткашлик ва тубанлик қаърига шўнғиган мазмунсиз, мақсадсиз, мантиқсиз (“Биздан кейин дунёни сув босмайдими” (Людовик 16), “Саройни олди - Регистон тинч бўлса бас” (Абулфайзхон) қабилида лоқайдлик, бефарқлик, ўзибўларчилик, бошбошдоқлик, тарқоқ) фаолият - дахлдорлик туйғуси бўлмаган ёки суст бўлган ҳолат оқибат - охир умр довонида надоматга юз тутади (ушбу ўринда Абдулла Ориповнинг Жаннатга йўл достонини воқеалари мисол бўлиши мумкин<sup>5</sup>).

Тарих мураббийлигидан, унинг сабоқларидан, воқеалар ҳаракати ва ҳақиқатидан ибратли хулоса чиқаришнинг ўзи бир мактабдир. Эсланг, сиёсий бошқарувида дахлдорлик туйғуси акс этмаган раҳбарлар оқибатини - Хонлар, Амирлар, бирлашмаган беклар ва ноиблар – уларнинг хеч бири хайрли интиҳо топмади. Бунга сабаб уларда Яратганинг инсон табиати, имони, эътиқоди ва маънавий қиёфасига ўз инояти билан берган дахлдорлик туйғусини англаб етмаганлигидир. Улар чор Россияси истилоси даврида боши берк қўчага кириб қолдилар. Султон Аловуддин Мухаммад Хоразмшоҳ ва Жалолиддин Мангуберди сиёсий–ҳарбий қўшин имкониятларида жуда катта тафовут бўлсада, Хоразмшоҳ ўз вақтида стратегик ҳаракатларни амалга оширмади. Мангуберди эса деярли бутунлай мустақиллик бой берилган ҳолатда ҳам курашди.

Бу ўринда мавжуд имкониятдан фойдалана олмаслик омили - дахлдорлик туйғусининг сустлигидан, йўқ имкониятдан тадбир топа билиш эса шахс маънавий қиёфасида дахлдорлик туйғуси ривожланганлигидан далолат қиласи. Мардонавор жасорат кўрсатиб, улкан империя ҳеч нарса қила олмаган шароитда, бутун бошли армия ва замонасининг биринчи рақамли хонини тасанно айтишга, ўзида шу сингари фарзанд бўлмаганидан алам ва ҳасратда қолишшга, иложи йўғу бироқ тўрттала ўғилларига ҳам алмаштиришга тайёр бўлишгача олиб келган ҳақиқат - Жалолиддин

<sup>4</sup> Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – Б. 55. / Шоислом Шомухамедов таржимаси).

<sup>5</sup> Орипов А. Танланган асарлар. / Жаннатга йўл. – Т.: – Т., “Фоғур.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 2000. – Б. 338-341

Мангубердидағи шижиоат, юрт озодлиги, мамлакат мустақиллиги ва боболаридан көлган салтанатни сақлаб қолишиңа интилиш, ватани, халқи тақдирі, аждодлар мероси ва авлодлар келажаги учун қайғуриш ундағы дахлдорлик түйғусининг юксак намунасидир.

Шундай экан, дахлдорлик түйғусининг шахс маңнавий қиёфасини белгиловчилік мазмұни ва моҳияти, инсон ботиний оламининг инъикоси бўлган маңнавий фазилатлар рўёби сифатида унинг ахлоқий жиҳатдан тараққий этган суврати ва сийратини чизиб беради. Даҳлдорлик түйғусининг юксак маңнавий қиёфа негизида такомиллашуви шахс фаолияти кейинги босқичларида - унинг борликқа, инсон, табиат ва жамиятга бўлган инсоний муносабатлари қўламида ўз амалий ифодасини топади.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Мирзиёев Шавкат. Олий мажлисга мурожаатномаси. – Т.: 28.12.2018 й.
2. Маҳтумқули. Сайланма. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б. 63.
3. Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақое. – Т.: 1964. – Б. 136.
4. Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – Б. 55. / Шоислом Шомухамедов таржимаси).
5. Орипов А. Танланган асарлар. / Жаннатга йўл. – Т.: – Т., “Ғофур.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 2000. – Б. 338-341